РеСФСР Давлат китоб палатаси
Инв.
Рес. книжная палата РСФСР
250196

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 20 январь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда. *5 (6698)*

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

Москва. 18 январь. (ЎзА махсус мухбири Амирқул Карим хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Москвага келди.

Шу куни мамлакатимиз Президенти Кремлда Россия Федерацияси Президенти Борис Елцин билан учрашди.

Икки Президентнинг МДҲ давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси олдидан бўлиб ўтган суҳбатида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

19 январь куни мамлакатимиз раҳбари МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида қатнашади. Унда ҳамдўстликка аъзо мустақил давлатлар ўртасида иқтисодий интеграция жараёнини янада чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиш кўзда тутилган.

(ЎзА).

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 29-ўрта мактабнинг тасвирий санъат муаллимаси Гулнора Шукуровани бутун Қашқа воҳасида ҳурмат билан тилга олишади. У бир неча йиллардан буён ёшларда нафосат, гўзаллик, ижодкорлик сингари нафис туйғуларни камол топтириш борасида тинимсиз меҳнат қилиб келаётир.

— Мен ёшларга машғулотлар ўтишдан завқланаман, — дейди Гулнора Шукурова. — Биласизми, болалар топқир, болалар ўта зийрак ва изланувчан. Уларга ҳам ўргатаман, ҳам...»

1995 йил Гулнора Шукурова учун омадлар йили бўлди. У «Йил ўқитувчиси—95» вилоят кўрик-танлови голиби бўлди ва Республика «Йил ўқитувчиси—95» кўрик-танловида қашқадарёлик ўқитувчилар номини кўнгилдагидек ҳимоя қилди.

А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.

Ўзбекистон — Туркманистон

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН

1996 йил 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Президент С. Ниёзовнинг таклифига биноан Туркманистонга амалий ташриф буюрди.

Қўшни ва қардош давлат раҳбарларининг ўзаро учрашуви чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида, ҳар иккала томонга тегишли минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Бир-бирига жондош ва қондош халқларни боғлаб турган тарихий ришталар, урф-одатлар, анъаналарнинг қадимийлиги Президентлар И. Каримов ва С. Ниёзовнинг суҳбатларида алоҳида таъкидланди.

Дўстона алоқаларни кучайтиришга хизмат қиладиган бу учрашувда яқин ва яхши қўшничилик муносабатларини яна ҳам кучайтириш, ривожлантириш зарурлиги мамнуният билан изҳор этилди. Ўзбек ва туркман халқининг кўп асрлик иқтисодий ва маданий алоқалари, дўстлик ва қардошлик анъаналари буюк бойлик бўлиб, уни авайлаб-асраш ва кўпайтириш лозимлиги қайд қилинди.

Президентлар Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларнинг ривожланиши иккала давлат ташқи сиёсатининг бош йўналиши бўлиб, у кенг қамровли ва узоқ муддатли эканини айтдилар. Давлатлар ўртасидаги кенг ҳамкорлик ва баҳамжиҳат ҳаракатлар истиқлолни мустаҳкамлашга, мустақил миллий иқтисодиёт асосларининг қарор топишига кўмаклашади. Маориф, маданият, илм-фан соҳаларидаги алоқаларнинг кенгайиб бориши ҳар иккала халқни бир-бирига яқинлаштиради. Туркманистонда Ўзбекистоннинг ва Ўзбекистонда Туркманистоннинг маданият ва санъат фестивалларини ўтказиш тўғрисида ахдномага эришилди.

Икки мамлакат раҳбарлари минтақанинг энг катта фожиаси — Орол денгизи муаммолари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш хусусида аниқ ахдномага эришдилар.

Президентлар И. Каримов ва С. Ниёзов ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашиб туришнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, ўз мамлакатларининг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги муҳим эканлигини таъкидлашди.

Учрашув чоғида минтақа даражасида хавфсизликни таъминлаш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий шарти эканлиги қайд этилди. Тожикистонда барқарорликнинг мустаҳкамланиши, Афғонистонда тинчлик жараёнининг бошланишига алоҳида урғу берилди. Давлат раҳбарлари бу мақсадга фақат сиёсий воситалар билан, томонларнинг хоҳиш-иродаси ва оқилона келишувларга тайёрлигини амалда кўрсатишлари асосида эришиш мумкинлигини уқдирдилар. Томонлар Ашгабат шаҳрида БМТ ҳомийлигида ўтаётган тожикларо музокараларнинг навбатдаги даврасини қўллаб-қувватлашларини айтдилар.

Учрашув чоғида транспорт коммуникациялари ва алоқа, табиат ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, энергетика, банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, божхона тартиби, маориф, илм-фан ва маданият каби соҳаларга тегишли бўлган бир қанча давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги давлатлараро шартнома энг муҳим ҳужжатдир.

Хайрлашиш чоғида Президент И. Каримов Президент С. Ниёзовни Ўзбекистонга расмий ташриф буюришга таклиф этди.

«Маърифат» хабарлари

ЯНВАРЬ КЕНГАШИ ЎТКАЗИЛДИ

Маълумки, ҳар йили халқ таълими тизимида уч марта: август, март ва январь ойларида шаҳар ва туманларда ўқитувчиларнинг анъанавий анжуманлари бўлиб ўтади. Олдинлари фақат икки марта: август ва март ойларида ўқитувчилар кенгашлари ўтказилса, кейинги йилларда уни январь ойида ҳам ўтказиш анъанага айланиб қолди. Худди шундай йиғилишлардан бири Сирдарё вилояти Ховос туманида бўлиб ўтди.

Ховос тумани халқ таълими тизимида 40 та мактаб мавжуд бўлиб, уларда мингдан зиёд ўқитувчи таълим-тарбия ишларини олиб боришади. Туман ҳудуди жуда катта, шу туфайли ўқитувчилар кенгаши икки жойда ўтказилди. Минтақа яқин ўқитувчи иштирок этган ушбу икки анжуманда ҳам энг долзарб масала — мактабларда таълим-тарбия ишларини ҳозирги замон талаблари асосида олиб боришга эътибор қаратилди.

МАЪРИФАТПАРВАРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Шофиркон туманидаги 1-гимназия мактабида болаларга чуқур таълим бериш яхши йўлга қўйилган. Шу уринда таъкидлаб ўтиш жоиз, қайси илм даргоҳи ўз ишини пухта юргиза олса, шубҳасиз, унга ёрдам берадиган маърифатпарвар инсонлар сафи ҳам кенгая боради. Худди шунингдек, ота-оналар ўз фарзандлари билим олаётган 1-гимназиядан ёрдамларини аяшмаётир. Хусусан, Шофиркондаги «Озод» кичик корхонасининг бошлиғи Шамсиддин Умаров гимназияга ҳомийлик қилиш истагини билдириб, билим масканига жиҳозлаш учун зарур бўлган материалларни топишга ёрдам бериб келмоқда. Яқинда Ш. Умаров томонидан гимназия ўқувчилари учун 3000 сўмлик совға-салом тарқатилгани ҳам болаларга қувонч бағишлади.

Айтганча, саховатли ҳомий гимназиянинг энг аълочи ўқувчилари учун стипендия ташкил қилиш нияти ҳам борлигини болаларга маълум қилди.

Ўз ва жамоатчи мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, футболчиларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш, ватанимиз футболининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Давлат спорт қўмитаси (Ш. Тўлаганов), Футбол федерацияси раҳбарлари (Федерациянинг собиқ Президенти А. Мутолов), Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, жойларда ҳокимликлар томонидан республика ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 18 мартдаги 144-сон қарори талаблари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши таъминланмаганлиги қайд этилсин.

Бош вазирнинг уринбосари С. Саидқосимов Футбол федерацияси, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айтиб ўтилган қароридан келиб чиқувчи вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин. Қилинган иш натижалари тўғрисида 1996 йил 1 апрелгача ахборот берилсин.

2. Давлат спорт қумитаси ва Ўзбекистон Футбол федерациясининг футболни бундан буён янги ташкилий принциплар — клуб асосида ривожлантириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Давлат спорт қумитаси Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қумитаси ва Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда 10 кун муддатда футбол клуби тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқсин, тасдиқласин ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин. Намунавий низомни ишлаб чиқишда қуйидагилар назарда тутилсин:

клубни ташкил этиш унинг муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминлашда барча ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал этишга қодир бўлган маҳаллий ҳокимият органлари, спорт ташкилотлари, шунингдек, ҳомийлар — корпорациялар, фирмалар, бошқа юридик ва жисмоний шахслардан иборат муассислар томонидан амалга оширилади;

бошқарув клубнинг коллегиал органи ҳисобланади, унинг таркибига клуб ва команда раҳбарияти, айрим футбочилар, ҳомий ташкилотлар вакиллари киради. Шаҳар (туман) ҳокими маҳаллий ҳокимият органи томонидан тузиладиган футбол клубининг президенти, идора ёки корхона раҳбари эса улар томонидан тузиладиган футбол клубининг президенти ҳисобланади;

футбол клублари намунавий низом асосида ўз клубларининг уставини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва адлия органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказади;

клубнинг молиявий фаолияти тўла ҳўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида амалга оширилади;

футбол командасининг номи ва унинг тегишли рамзлари Ўзбекистон Футбол федерацияси билан келишиб олинади.

4. Ўзбекистон Футбол федерацияси ва Давлат спорт қумитасининг республикада олий ва 1-лигалар клуб футбол командаларини шакллантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Бунда қуйидагилардан келиб чиқилсин:

мастерлар футбол командасига уйинчилар қабул қилиш клуб раҳбарлари, спортчилар, тренерлар, тиббий ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи контрактлар асосида амалга оширилади;

контракт, халқаро стандартларга мувофиқ, бир йилдан уч йилгача муддатга тузилади ва у тренерлар ҳамда футболчиларни уларнинг спорт маҳорати даражасига, команда муваффақиятига ҳар бирининг қўшган ҳиссасига боғлиқ равишда моддий рағбатлантиришни, шунингдек, контракт шартлари бузилган тақдирда тегишли жарима санкциялари солишни назарда тутади;

тренерни ва футболчини моддий рағбатлантириш ҳамда уларга жарима санкциялари солиш масалалари клуб бошқаруви томонидан коллегиал ҳал этилади;

клуб ўз фаолиятига ватанимизнинг корхоналари ва ташкилотларини, қўшма ва хорижий фирмалар, корхоналар, ташкилотларни жалб қилиш мақсадида футбол мусобақалари ўтказилаётган вақтда, шунингдек, спорт кийимида ва клуб белгиларида уларнинг турли реклама эмблемаларидан шартнома асосида фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Футбол федерацияларининг президентлари ҳисобланадилар;

олий лигани тузиш чемпионатлар ва биринчиликларни ўтказиш регламентига мувофиқ спорт принципига кўра амалга оширилади. Ушбу клубда ўсмирлар ва болалар командалари мавжуд бўлиши команданинг олий лигага киришининг зарур шарти ҳисобланади;

1-лига спорт ва ҳудудий принциплар бўйича Қорақалпоғистон Республикасидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан камида биттадан командадан иборат этиб тузилади;

футбол командаларини шакллантириш 1996 йил 1 мартгача тугалланиши керак.

6. Клуб футбол командалари учун уринбосарлар тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

1996-1997 йилларда барча мактабларни спорт майдонлари билан таъминласинлар;

1996-1997 йилларда вилоят марказларида ўсмирлар футбол мактаб-интернатлари очсинлар.

Юқорида айтиб ўтилган мактаблар ўртасидаги ҳар йилги мусобақалар ҳудудий (минтақа) принцип бўйича маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ўтказилсин.

7. Ўзбекистон Футбол федерацияси Давлат спорт қумитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Футбол бўйича спорт маҳорати республика мактабини «Пахтакор» футбол клубига бериш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

8. Футбол мавсуми якунлари бўйича йилнинг энг яхши футболчиси учун ва йилнинг энг яхши тренери учун журналистлардан суров йўли билан аниқлаб тошириладиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус совғини таъсис этилсин.

9. Молия вазирлиги Давлат солиқ қумитаси билан биргаликда, жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, футболни ривожлантиришга фаол кумаклашаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун солиқ имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар тизимини қўллаш юзасидан таклифларни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Давлат спорт қумитаси Давлат мулки қумитаси билан келишган ҳолда Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида йирик стадионлар негизида очиқ турдаги акционерлик жамиятлари ташкил этиш дастурини икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Уларнинг устав сармоясини шакллантиришда акциялар пакетининг қуйидагича тақсимланиши назарда тутилсин:

давлатга — объект мол-мулкнинг тенг қиймати;

бошқа муассисларга (юридик ва жисмоний шахсларга) — уларнинг улушларига мувофиқ.

1998 йилдан бошлаб республикадаги курсатиб ўтилган стадионлар тўлиқ ўзини ўзи маблағ билан таъминласин.

11. Футболни ривожлантиришнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда футбол клубларини тузиш ва ривожлантиришга ҳамда уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга кумаклашиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар;

Давлат спорт қумитаси Ўзбекистон Футбол федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мавжуд стадионларни қайта рўйхатдан ўтказсин;

қайта рўйхатдан ўтказиш якунларига кўра 1996 йил 1 апрелгача футбол майдонларини реконструкция қилиш, 1996 йил 1 сентябргача эса Нукус шаҳрида ва вилоят марказларидаги стадионларнинг қолган объектларини жорий ва мукаммал тузатиш зарур, деб ҳисоблансин.

Шу мақсадларда:

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги бош пудратчи ва бош лойиҳаловчи этиб, «Узмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси ҳамда Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги — субпудрат ташкилотлар этиб тасдиқлансинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари капитал қурилиш бош бошқармалари футбол майдонини реконструкция қилиш, стадионларни жорий ва мукаммал тузатиш ҳамда обод қилиш буйича буюртмачилар этиб белгилансинлар. Ишларни маблағ билан таъминлаш республика ва маҳаллий бюджетларнинг ҳамда ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин;

ушбу ишларнинг буюртмачилари бош пудратчилар ва бош лойиҳаловчиларни маблағ билан таъминласинлар ҳамда энергия таъминоти, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва канализация объектлари буйича тегишли техник шартларни берсинлар;

бош пудратчига лойиҳалашни ва алоҳида сметалар ва чизмалар буйича қурилишни бир пайтда маблағ билан таъминлашга рухсат этилсин.

12. Молия вазирлиги Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига тузилган контрактлар ва уларнинг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ва вакил қилинган банкларда экспертиза қилиниши асосида, футбол майдонларини комплекс реконструкция қилиш учун уруглик, хорижий ускуналар, жиҳозлар ва бошқа зарур воситалар ва материаллар сотиб олишга тегишли равишда конвертация қилишни назарда тутган ҳолда сўмлардан аванс ажратсин.

Пул-кредит сиёсати буйича республика комиссияси, зарурат бўлганда, Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга маблағ қўядиган хорижий фирмаларга маблағларни республика валюта биржасида конвертация қилишни назарда тутсин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1996 йил 1 мартгача Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қумитаси, Футбол федерацияси ва Футболни ривожлантириш фондини жойлаштириш учун бино ажратиш масаласини ҳал қилсин.

14. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси икки ҳафта муддатда уюшма корхоналарида резина тўплар ва футбол тўплари учун резина камералар ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан таклиф тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. 1996 йилда камида 500 минг дона резина тўплар ва камералар тайёрланишини таъминласин.

15. «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси 1996-1997 йилларда спорт товарлари ишлаб чиқарувчи етакчи фирмалар билан биргаликда сифатли футбол анжомлари ва спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил этсин. Бунда Халқ таълими вазирлиги ва «Ўзбексавдо» давлат уюшмасининг спорт анжомлари, Футбол тўплари ва ўқувчилар учун спорт кийимлари ишлаб чиқариш буйича буюртманомалари бажарилишини таъминласин.

Молия вазирлиги Давлат солиқ қумитаси ва «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси билан биргаликда «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси томонидан мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан шуғулланишлари учун ишлаб чиқариладиган товарлар қийматига берилиши мумкин бўлган солиқ имтиёзлари ҳақидаги таклифларни 15 кун муддатда кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш давлат комиссияси малакали мутахассислар — тренерлар тайёрлаш учун Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт институтининг футбол булимига 1996 йилдан бошлаб ҳар йили 75 уриндан иборат квота ажратсин.

17. Давлат Спорт қумитаси Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда:

икки ой муддатда футбол командалари тренерларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш буйича махсус курслар ташкил этсин, ушбу курсларни зарур моддий база билан таъминласин;

20 кун муддатда футбол клуби билан контракт тузиш ҳуқуқини берувчи тренерларга қўйиладиган малака талаблари ҳақидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Тренер томонидан малака талаблари бажарилган тақдирдагина контракт тузилиши ва тренернинг футбол командасига раҳбарлик қилишга йўл қўйиладиган тартибни белгиласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Давлат Спорт қумитаси 10 кун муддатда спорт мактаблари ва билим юртлари раҳбар ходимлари, тренер-ўқитувчиларининг, шунингдек, инструктор-методистларининг меҳнатига ҳақ тўлаш буйича разрядларни умумтаълим мактабларининг раҳбарлари ва ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига мувофиқлаштириш юзасидан таклиф киритсинлар.

19. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари футбол клубларини спортга ихтисослашган малакали тиббий ходимлар ҳамда зарур дори-дармонлар билан таъминласинлар.

20. «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, «Маҳаллий саноат» корпорацияси, Маданият ишлари вазирлиги ҳокимликлар билан биргаликда стадионларда футбол уйинлари ўтказилаётган вақтда савдо қилишни ва маданий-томоша тадбирларини уюштирсинлар.

21. Оммавий ахборот воситалари мамлакатда оммавий футбол ҳаракати ривожланишини, энг яхши футбол клублари, спорт мактаблари, физкультура жамоалари, мутахассислар ва тренерларнинг фаолиятини мунтазам ва кенг ёритсинлар.

22. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг уринбосари С. Саидқосимов ва Ўзбекистон Футбол федерацияси президенти Э. Алматов зиммасига юклансин.

Қарорнинг бажарилиши 1996 йил апрель ва август ойларида, кейинчалик эса 1997-1998 йилларнинг ярим йилликлари буйича кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 17 январь.

МЕТАЛЛ — ВАТАНГА!

Илгарилари бизнинг босқондан японлар минглаб лезвиялар тайёрлашгани ҳақида афсонавий гаплар юрарди. Майли, бу гап қанчалик ҳақиқатга яқинлиги хусусида баҳслашмай босқон бажарадиган ишлар ҳам талайгина эканлигини тан олайлик. Бу уринда ушбу гапни темирга қандай муносабатда бўлишга, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш кераклигига ишора сифатида қабул қилайлик. Айниқса, республикамиз ҳар бир соҳада жаҳон андозалари сари интилаётган бир паллада илғор технологияни, замонавий техникани халқ хўжалигига жорий этиш зарурлигини назарда тутсак, темирнинг қадри нақадар баланд эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Утган йилнинг ноябрь ойида асосан хомашёси иккиламчи металл ҳисобланган Бекобод металлургия заводининг тўла қувват билан, узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойиш қабул қилди. Унда Халқ таълими вазирлиги зиммасига ҳам қора ва рангли металл парчаларини йиғиб топшириш бўйича Давлат режаси юклатилди. Мазкур ишни ташкил этиш, давлат буюртмасини бажаришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида Халқ таълими вазирлигининг буйруғи чиқди. Унга кўра вазирликнинг ҳамда вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг мутасадди раҳбарларидан иборат штаб тузилди. Металл парчаларини топширишни ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди. Шунингдек, буйруқда режани жорий йилнинг 15 майигача уддалаш, бу ишда фаоллик кўрсатган раҳбарларни моддий рағбатлантириш, режани бажармаганларга жиддий чоралар кўриш ҳам таъкидланган.

Масаланинг расмий томонлари ҳал бўлди. Энди ҳаммаси амалий ишга боғлиқ. Ҳозирда барча таълим муассасаларида бу иш қизғин давом этмоқда. Бу борадаги ўтган йилги натижаларга назар солсак, олинган мажбуриятни Халқ таълими вазирлиги 105,5 фоизга бажарган. Шу билан ташкилотлар, муассасалар ўз режаларини қойил қилди, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Негаки Низомий номидаги Тошкент, Ангрен, Нукус педагогика институтлари, Макаренко номидаги, Беруний номидаги (Самарқанд), Ангор, Денов, Сирдарё, Гулистон, Тошкент педагогика билим юртлари, бир қанча вилоятларнинг хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармалари, «Таълимтаъминот» корхоналари, Андижон, Бухоро индустриал педагогика техникумлари, Самарқанд, Фарғона ҳарбий лицейлари, Калонов номидаги олий профессионал билим юрти жамоалари ўтган йили қора ва рангли металл парчаларини йиғиш ҳамда топшириш бўйича ўз режаларини бажара олмадилар.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари И. Журабеков раислигида Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топшириш масалаларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш Республика комиссиясининг мажлисида ҳам бу борада ўтган йилги натижалар кўриб чиқилиб, 1996 йилги вазифалар муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан Халқ таълими вазирлигида ҳам йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳар бир ташкилот, муассаса раҳбарига аниқ вазифалар юклатилди. Шунингдек ўтган йилда юз берган металл парчаларини топшириш ва унга ҳақ тўлаш масаласидаги чигалликларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида гап кетди.

Юқорида қайд этилган мазкур масалага бағишланган республика миқёсидаги йиғинлардан ҳам маълумки, металл парчаларини йиғиб топшириш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шундай экан, барча таълим-тарбия муассасалари, ташкилотлар жамоалари қўйилаётган вазифа моҳиятини тўла англаган ҳолда бу ватанпарварлик ишига бор имкониятларини, куч-қувватларини сафарбар этмоқлари лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ МУАССАСАЛАРИ, ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ БОШҚАРМАЛАРИ БЎЙИЧА ҚОРА ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ ЙИҒИБ ТОПШИРИШ ЮЗАСИДАН 1996 ЙИЛГА

ТАҚСИМОТ РЕЖАСИ

ТАШКИЛОТЛАР НОМИ	Қора металл	Рангли металл			
		Жами	Қўрғошин	Алюмин	Мис
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ					
Халқ таълими бошқармаси (ҳунар-техника билим юртлари учун)	491	6861	2287	2287	2287
Андижон педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Асака педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Бўз педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Андижон индустриал-педагогика техникуми	30	150	50	50	50
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
ЖАМИ	631	7560	2520	2520	2520
БУХОРО ВИЛОЯТИ					
Халқ таълими бошқармаси (ҳунар-техника билим юртлари учун)	491	4863	1621	1621	1621
Бухоро педагогика билим юрти	30	201	67	67	67
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Бухоро индустриал педагогика техникуми	30	198	66	66	66
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
ЖАМИ	571	5361	1787	1787	1787
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ					
Халқ таълими бошқармаси (ҳунар-техника билим юртлари учун)	461	4764	1588	1588	1588
Қарши педагогика билим юрти	30	201	67	67	67
Шаҳрисабз педагогика билим юрти	30	198	66	66	66
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
ЖАМИ	541	5262	1754	1754	1754
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ					
Халқ таълими бошқармаси (ҳунар-техника билим юртлари учун)	431	5961	1987	1987	1987
Наманган педагогика билим юрти	30	200	64	68	68
Чуст педагогика билим юрти	30	200	64	68	68
Косонсой педагогика билим юрти	30	200	64	68	68
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
ЖАМИ	541	6660	2212	2224	2224
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ					
Халқ таълими бошқармаси (ҳунар-техника билим юртлари учун)	551	8664	2888	2888	2888
Макаренко номли педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Ушинский номли педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Беруний номли педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Каттақўрғон педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Ҳарбий лицей	10	99	33	33	33
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
ЖАМИ	701	9462	3154	3154	3154
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ					
Халқ таълими бошқармаси (ҳунар-техника билим юртлари учун)	381	5661	1887	1887	1887
Термиз педагогика билим юрти	30	200	64	68	68
Ангор педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Денов педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100	32	34	34
ЖАМИ	491	6261	2083	2089	2089
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ					
Халқ таълим бошқармаси (ҳунар-техника билим юртлари учун)	231	2361	787	787	787
Сирдарё педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Гулистон педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
ЖАМИ	311	2760	920	920	920
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ					
Халқ таълими бошқармаси (ҳунар-техника билим юртлари учун)	291	4062	1354	1354	1354
Жиззах давлат педагогика институти	80	201	67	67	67
Жиззах педагогика билим юрти	30	198	66	66	66
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
ЖАМИ	421	4560	1520	1520	1520

ТАШКИЛОТЛАР НОМИ	Қора металл	Рангли металл			
		Жами	Қўрғошин	Алюмин	Мис
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ					
Халқ таълими бошқармаси (ҳунар-техника билим юртлари учун)	531	6564	2188	2188	2188
Ангрен давлат педагогика институти	70	399	133	133	133
Ангрен педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Бекобод педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Тошкент вилояти педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
ЖАМИ	711	7512	2504	2504	2504
ТОШКЕНТ ШАҲАР					
Халқ таълими бош бошқармаси	361	7863	2621	2621	2621
Низомий номидаги давлат педагогика институти	60	351	117	177	117
2-Тошкент педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
1-Тошкент педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Ражабий номидаги педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Машинасозлик буйича республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази	30	150	50	50	50
Янги технология буйича республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази	30	150	50	50	50
Республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази	20	99	33	33	33
Калонов номидаги олий профессионал билим юрти	30	99	33	33	33
Таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Тошкент индустриал педагогика техникуми	30	150	50	50	50
Республика «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
Республика музика мактаб-интернати	20	-	-	-	-
Ҳарбий лицей	20	-	-	-	-
Авлоний номидаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти	10	-	-	-	-
«Нафис санъат» мактаби	10	-	-	-	-
РСПХ «Узбекучавтоматика»	20	150	50	50	50
ЖАМИ	751	9561	3187	3187	3187
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ					
Халқ таълими бошқармаси (ҳунар-техника билим юртлари учун)	350	4161	1387	1387	1387
Навоий давлат педагогика институти	70	402	134	134	134
Навоий педагогика билим юрти	30	99	33	33	33
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
ЖАМИ	470	4761	1587	1587	1587
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ					
Халқ таълими бошқармаси (ҳунар-техника билим юртлари учун)	491	6561	2187	2187	2187
Қўқон давлат педагогика институти	70	402	134	134	134
Қўқон педагогика билим юрти	30	201	67	67	67
Марғилон педагогика билим юрти	30	198	66	66	66
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Ҳарбий лицей	10	-	-	-	-
Фарғона вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
Қўқон «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
ЖАМИ	661	7560	2520	2520	2520
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ					
Халқ таълими бошқармаси (ҳунар-техника билим юртлари учун)	431	3561	1187	1187	1187
Хива педагогика билим юрти	30	201	67	67	67
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
ЖАМИ	481	3861	1287	1287	1287
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН					
Халқ таълими вазирлиги	518	7761	2587	2587	2587
Нукус давлат педагогика институти	60	399	133	133	133
Нукус педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Хўжайли педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Беруний педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Чимбой педагогика билим юрти	30	150	50	50	50
Хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	-	-	-	-
Республика «Таълим-таъминот» корхонаси	10	99	33	33	33
ЖАМИ	718	8859	2953	2953	2953

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Тарих ўз бағрида қанчадан-қанча сиру асрорларни яширади. Тарихга теран назар солиб, уни қайта тирилтириш, очилмаган томонларини очиш, чанг босган манбалар устида йиллаб бош қотириш кишидан сабру тоқат ва чуқур билимдонликни талаб этади. Тарих фанлари номзоди Наим Норқулов ана шундай инсонлардан биридир.

Келинг, яхшиси олимнинг ҳаёт йўлига бир назар ташлайлик. Н. Норқулов 1949-1953 йиллар орасида Каттақўрғондаги педагогика билим юртида ўқишни тугаллаб, сўнг Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ҳужжат топширди ва уни 1958 йилда муваффақиятли битирди. 1961 ва 1974 йиллар орасида эса ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлайди. Наим Норқуловнинг кейинги фаолияти F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида катта муҳаррир, чет тиллар педагогика институтида форс тили катта ўқитувчиси ва ЎзФАнинг А. Навоий номидаги Адабиёт музейида етакчи илмий ходим вазифаларида ҳалол меҳнат қилди.

Ўтган йиллар ичида олим Наим Норқулов ўзининг бир қатор илмий-оммабоп мақола ва рисолалари билан халқ оғзига тушди. Хусусан, муаллифнинг «Камолиддин Беҳзод», «Беруний ва Хоразм» «Миркарим Осим» рисолалари республика илмий жамоатчилиги орасида катта эътибор топди.

Наим ака илмий ва меҳнат фаолияти билан бир қаторда ижодий ишлар билан ҳам шуғулланди. У ўндан ортиқ асарлар таржимони сифатида танилди. Айниқса, «Ибн Сино афсоналари», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул-вақоеъ», Хондамирнинг «Восифий Навоий тўғрисида», Муҳаммад Вафоий Каримнагийнинг «Туҳфаи хони», Абу Ҳайс Насафийнинг «Кандия» ва Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» рисолаларининг таржималари олимни тарих ва адабиёт билимдони, моҳир таржимон сифатида эл-юртга танитди ва унга шуҳрат келтирди. Заҳматкаш олимнинг тарих ва тарихий шахсларга оид қатор илмий ва оммабоп мақолалари «Ўзбекистон энциклопедияси»дан ўрин олди.

Жонажон мамлакатимиз илм-фани ривожига сезиларли ҳиссасини қўшган тарих фанлари номзоди Наим Норқулов бугун табарук 60 ёшга қадам қўйдилар. Устоз олимни бу қутлуғ сана муносабати билан барча шогирдлари номидан қизғин қутлаб, у кишига узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва ижодий ютуқлар тилаймиз!

Норали ОЧИЛОВ.

Янги рукн: *Сиртқи дарс*

АМИР ТЕМУР, ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТИ

Мустақиллик эпкинлари кўзимиздан, онгу шууримиздан тарих пардаларини юлқиб ташлади. Ва бир пайтлар атайлаб зулмат қобиғида сақланган ўтмишимизни, ўзлигимизни таний бошладик. Ўзлигини танимаган миллат «емишсиз йиғоч» (М.Қошғарий) кабидир. Зеро, ўтмиш тарих, хусусан, буюк аждодлар миллат қаддини сарбаланд этиб турувчи тиргак ҳисобланади.

Ўтган йиллар Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Маҳмуд аз-Замахшарий юбилейларининг ўтказилиши қаддимизни бир оз кўтарган бўлса, бу йил Президентимиз Фармони билан Амир Темур йили деб эълон қилиниши эса бўйимизни жаҳонга бўйлатгусидир. Шу боис, таҳририятимиз республика махсус мактабларига мўлжалланган 30 мавзудан иборат сиртқи дарслар ўтказишга қарор қилди. «Амир Темур, темурийлар даври маданияти ва маънавияти» мавзуидаги ушбу сиртқи дарсларни тарих фанлари номзоди Наим НОРҚУЛОВ олиб боради.

Амир Темур давлатининг ташкил топиши

Биринчи дарс

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларга марказлашган давлат тузишнинг тарихий зарурият булиб қолганини ва бу ишнинг осон кечмаганини тушунтириш.

Дарс режаси:

1. XIV аср ўрталарига келиб Чиғатой улусининг сиёсий ва ижтимоий тушкунликка учраши.

2. Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш учун кураши.

3. Амир Темур ўз давлатини мустаҳкамлаш учун қандай тадбиру чоралардан фойдаланди.

Биринчи масалани баён этишдан олдин Амир Темур даври тарихини ўрганишга асос бўлган манбалар билан таништирамиз:

1. Ибн Арабшоҳнинг «Ажойибул - мақдур фи таърихи навоийби Таймур».

2. Шарафуддин Али Йаздий, «Зафарнома».

3. Низомиддин Шомий. «Зафарнома».

4. Рьюи Гонсалес де Клавихо. «Амир Темур саройига саёҳат». М.1992.

5. Абдулло Ҳотифий. «Темурнома» манзума.

6. Иоанн. «Амир Темур тарихи».

7. Пирандино. «Соқлар подшоҳи жаҳонгир Амир Темур». Рим. 1450.

Режадаги биринчи масалани қуйидагича баён этамиз: Чиғатой хони Қозон султон даври (1332-1346) да муғулларнинг маҳаллий халққа жабру зулми ниҳоят даражада кучайди. Шарафуддин Али Йаздийнинг ёзишича: «Қурултойга чақирилган улуснинг вилоят амирлари бола-чақаси билан видолашиб, унинг ҳузурига йўл оларди. Кейин сиёсий парокандалик ҳукм сурди. Кеш вилоятида Соҳибқироннинг амакиси амир ҳожи Барлос, Ҳужанд вилоятида Жалойир қабиласи бошлиғи амир Боязид, Балҳда Сулдуз қабиласидан Улжой Буғо, Сарипул ва Тотқандда амир Хизр Ясовурий мустақиллик яловини кўтарган эдилар. Уларнинг узаро тинимсиз урушлари туфайли улус ҳўжалиги тушкунликка юз тутди. Бунинг устига Узбекхон давридаёқ Буюк ипак йўлига Олтин ўрда хонлари карвонбошилик қила бошлагани Чиғатой улуси иқтисодига салбий таъсир кўрсатган эди. 1360 йилнинг январида Жата хони Туғлуқ Темур Чиғатой улуси томон қўшин тортди. У Ҳўжандга яқинлашганда амир Боязид қўшини билан унга қўшилди. Ҳожи Барлос Хуросон томон қочди. Эндигина отасидан жудо бўлган Амир Тароғой ўғли Амир Темур «аниқ билди, ки агар ортиқ сабр қиладиган бўлса, асл Ватани бутунлай остин-устун бўлиб кетади». (Шарафуддин Али Йаздий). Бунинг устига Жата лашкари ғазначиси Ҳожи Маҳмуд Ясавурий ўз тўдаси билан Кеш вилоятини талон-торож қилиш учун келаётган эди. Амир Темур унга борбудини бериб, уни ёвуз ниятидан қайтарди ва ўз тудаси билан келиб Туғлуқ Темурга тобеълик изҳор қилди. Хон бунинг эвазига Амир Темурни Амир Қорачорнинг тумани ва Кеш вилояти атроф ҳудудларининг ҳокими этиб тайинлади. Ҳазрати Соҳибқирон шундан кейин Балх ҳокими амир Ҳусайн билан ҳамкорликда Туғлуқ Темурнинг вориси Илёсхўжа ҳукмронлигига қарши кураш бошладилар. Улар сиёсий мавқеларини мустаҳкамлаш мақсадида атроф вилоятларни ўз атрофларига жипслаштира бошладилар.

Шундан кейин Лой жанги, Самарқандда сарбадорлар қўзғолони рўй берди. Ҳазрати Соҳибқирон сарбадорлар билан яқин эди. Аммо Амир Ҳусайн хиёнат қилиб, сарбадорлар бошлиқларини қатл эттирди, натижада Амир Темур билан оралари бузилди.

Самарқанд сарбадорлари Мавлонзода, Абубакр Кулувий ва Ҳурдак Бухорийлар бошчилигида Илёс хожа қўшинларини тормор келтиргач, 1366 йил баҳорида Амир Темур ва амир Ҳусайн Самарқанд яқинидаги Кони гил ўлангига келиб жойлашадилар. Сарбадорлар раҳбарларини музокара учун таклиф қиладилар. Амир Ҳусайн Амир Темурнинг Мавлонозода билан шаҳарга кетганидан фойдаланиб барча сарбадор раҳбарларини қатл эттиради. Шундан кейин Амир Темурнинг амир Ҳусайн билан ҳамкорлик қила олмаслиги аён бўлди. Амир Ҳусайн Балхга томон кетишга мажбур бўлди. 1370 йили Ҳазрати Соҳибқирон Балхга юриш қилиб амир Ҳусайн қўшинларини тормор келтиради. Амирлар қурултойида Амир Темур Самарқанд ҳукмлори этиб сайланади. 1371, 1374, 1375, 1383 йилларда Ҳазрати Соҳибқирон етти марта Жата хонига қарши юриш қилади. Мухолифларини енгиб, Чингиз авлодидан Суйурғотмишни Чиғатой улуси хони этиб тайинлайди. Шу ўртада Хоразмга беш марта юриш қилиб, уни Олтин Урда шаҳзодалари таъсиридан қутқаради. 1393 йилга келиб Хуросон ва Эрон фатҳ этилди. Натижада бутун Туронни бирлаштирган қудратли давлатга асос солинди.

Амир Темурнинг чет мамлакатларга қарши юришларига келсак, бу борада у икки тамойилни кузлаган: яхши қўшничилик, савдо ва элчилик муносабатларини урнатиш, турк қавми манфаатлари оёқ ости ва тазйиқ этилишига йўл қўймаслик. Қайси давлат ё ҳукмдор шу тамойилларни бузса, Соҳибқирон шул юрт устига қўшин тортган. Ул зотнинг жаҳонгирлик мақсадлари бўлганида Ҳиндистонни, Кичик Осиёни, Олтин ўрдани узи тузган давлат таркибига киритган бўлар эди. Уз давлатини мустаҳкамлаш мақсадида Ҳазрати Соҳибқирон қадимий турк хоқонлари анъаналаридан келиб чиқиб қўшинларининг маҳорати ва қудратини ошириш, уларни ҳар қандай табиий шароитда муваффақиятли жанг олиб бориш имкониятлари билан таъминлаш чораларини курди. Мустаққам интизом урнатди.

Дўст ачитиб гапирар

САМАРҚАНД САФАРИ

Самарқанд вилоятига бўлган хизмат сафаримиздан асосий мақсад Узбекистон Президентининг халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши сессиясидаги нутқида халқ таълимида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қандай ишлар амалга оширилаётгани билан қизиқиш, мавжуд аҳволни таҳлил қилиш, шунингдек, дарсликлар муаммоларини ўрганиш эди.

Очиғини айтсак, сессиядан сўнг вилоят халқ таълими тизими ўзгаришлар сари юз тутди. Чунончи, халқ таълими бошқармасининг бошлиғи лавозимига ёш мутахассис Анвар Бекмуродов тайинланди. Табиийки янги ишга келган ҳар бир раҳбар ўз тизимидаги мавжуд аҳволни ўрганади, паст-баланд жойларини кўради ва натижага қараб ўзининг, яъни вилоят халқ таълими бошқармасининг келажак режасини тузиб олади. Худди шу мазмундаги савол билан янги бошлиққа мурожаат қилдик.

— Ҳақиқатан ҳам вилоят халқ таълими тизимида муаммолар йиғилиб қолибди. Президент нутқида қайд этилган авария ҳолатидаги 51 та мактаб, фойдаланилмаган маблағлар миқдори фикримизга далил. Мавжуд аҳволни таҳлил қилиб, аввало ўқитувчиларга етказилмай қолган маошларни беришнинг режасини туздик. Шунингдек, нақд пул топиш масаласи жуда ҳам қийин бўлса, чек билан ёки ун, ёғ, совун билан ҳам тўлаймиз. 88 миллион сўм нақд пулни 20 январгача ноябрь ойи маоши сифатида тўлиқ берамиз. Ҳисоб-китобимиз бўйича маош тўлови февраль ойи маошини беришда тартибга тушади.

Мактабларнинг парта, ёзув тахтаси, стол, стулга бўлган эҳтиёжини ҳам инобатга олиб, тезлик билан Самарқанд шаҳридаги 9-ҳунар-техника билим юрти устахонасида парта, ёзув тахтаси ясашни йўлга қўйдик. Парталарни ўзимизда ишлаб чиқарсак, ҳар томонлама фойда кўрарканмиз. Масалан, Самарқанд лифтсозлик заводидан олган 1 та партанинг таннархи 3,5—4 минг сумга тушса, ўз тизимимиздаги билим юрти устахонасида унинг таннархи учун 2,5—3 минг сўм кифоя. Ҳар бир партадан 1000 сўм фойда қолади. Иккинчидан, билим юрти устахонаси, усталари, қолаверса талабаларга қўшимча маош берилади. Янги йилдан иш бошлагандик. Ҳозирча 100 та парта тайёр бўлди. Ёпилган боғчалар 108 та дейилганди, бу муаммони ўрганиш жараёнида 10175 ўринга мўлжалланган 133 боғча ёпилганлиги аниқланди. Жумладан, Пастдарғомда 20 та, Ургутда 17 та, Жомбойда 15та, Пойариқда 14та, Челакда 12 та боғча ёпилган. Боғчалар муаммосини ечишда бизга катта ёрдам керак бўлади. Чунки вилоят халқ таълими бошқармаси боғчаларни методик кўлланма, кадрлар билан таъминлайди. Унинг иқтисодий жиҳатлари агросаноат тизимига тегишли. Боғча ёпилса, ҳамма бирдан халқ таълимига таъна қилади. Аслида унинг ёпилишига ҳўжаликлар сабаб бўлмоқда.

Энг оғриқли жойимиз Қонунни билмаслигимиз ҳамдир. Шу пайтгача 220 та қонун чиқибди. Таълим тизимига тегишли бўлган барча қонунларни ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи ёддан билиши керак. Бу борада биз аллақачон иш бошладик, хусусан вилоят халқ таълими ходимларининг «Маърифат нури» газетасида «Таълим тўғрисида»ги Қонунни қайта нашр этиб, тарқатяпмиз. Худди шундай бошқа қонун, дастур ва концепцияларни ҳам чоп этамиз.

ҲАМОН ҲАВАС ҚИЛАМАН

Самарқанд вилоятида 51 та авария ҳолатидаги мактаблар Каттақўрғон, Ургут, Нуробод туманларида 6 тадан, Оқдарё ва Пастдарғомда 4 тадан, қолган туманларда нисбатан оз экан. Биз бунда Каттақўрғон ва Ургут туманларидаги авария ҳолатидаги мактаблар тақдири билан танишмоқчи бўлдик.

Ургут шаҳрига кириб боришда киши ҳар гал тўлқинланиб олади. Кучанинг икки томони шарқона безалган иморатлар билан тула. Лицей, мактаб ва боғчалар иши ҳам ибратли. Ҳокимликка яқинроқ йўл ёқасига катта ҳарфлар билан «Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш керак», деб ёзиб қўйилган. Мен ҳамон ҳавас қиламан. Бироқ Ургут фақат шаҳардангина иборат эмас. Қишлоқларда нега авария ҳолатидаги мактаблар кўп? Бу саволга энг биринчи жавоб шуки, Ургут вилоят бўйича мактаби энг кўп туман. Нисбат қилсак, ҳар йигирмадан бири авария ҳолатида. Биз шундай аҳволдаги 11-мактабда бўлдик. Иморат девори ёрилмаган бўлса-да, бир чеккасидан емирила бошлагани рост. Унинг орқасида қурилаётган икки қаватли янги мактаб биноси эса бир неча йиллан буён тўхтаб турибди. Бу мактаб тўғрисида вилоятнинг «Зарафшон» газетасида танқидий мақола босилган экан. Мактаб мутасаддилари ҳозир унинг қурила бошлаганига 13 йил эмас, эндигина 6 йил бўлди, дея мухбир билан даъвогарлик қилиб юришибди.

ДАРДНИ ЯШИРСАНГ...

Биз Ургут туман халқ таълими бўлими мудири Исмат Набиев билан учрашганимизда ҳам вилоят газетасида ёзилган танқидий мақола хусусида сўз борди. Унингча, ўша мақолани кимдир уюштирган ва у журналистни судга бериш ниятида. Мухбирнинг устидан тушган аризалар мудирнинг столида турибди. Албатта, ҳуқуқий жамиятда барча масалаларни суд орқали ҳал қилиш энг оқил йўл.

Қизиғи шундаки, Ургутдан чиқиб Оқдарё туманига ўтганимизда, бу туманнинг ҳам вилоят телевидениесида танқид қилинганини эшитдик. Улар ҳам мухбирдан норози. Танқид туққанингга ҳам ёқмайди, дейишгани шундан бўлса керак. Чунки уларнинг барчаси танқидий мақола ва кўрсатувларнинг асоссиз эканлигини таъкидлашяпти.

Унда мана сизга ҳақиқий манзара. Гап Ургут туманидаги 11-мактаб хусусида. Сафаримизнинг асосий сабабларидан бири мактабларда дарсликлар таъминоти ва аҳволи билан ҳам қизиқиш эди. 11-мактабнинг 4-синфи ўқувчилари билан суҳбатлашиб, ҳангу-манг бўлиб қолдик: мактабда дарсликлар сотилган эди. Мана, ўша суҳбатдан парча:

— Китобларинг борми?

— Бор.

— Қайси бири йўқ?

— «Она тили»миз йўқ.

— Янги китобларни мактаб бердими?

— Ҳа.

— Неча сўмдан олдиларинг?

— 10 сўмдан.

— Қайси китобларни сотиб олдиларинг?

— ...

Буёғи сир. Чунки ҳали мақола ёзилмасиданоқ биздан бу гапларни айтган ўқувчилар номини ва улар қайси дарсликларни пулга олганини «билиб олиш»га иштиёқмандлар кўпайиб қолишди. Биз билан синф хоналарини айланган мактаб директорининг ўринбосари Умар Довруқовнинг айтишича, унинг бу ишдан мутлақо хабари йўқ. Менга «асос» билан гапирган туман халқ таълими бўлими мудири И. Набиев ҳам бундай ҳолат бўлмаганлигини, ишонмасам бемалол текширишим мумкинлигини таъкидлади. Маълумот учун айтиб қуяйлик, кассетамизда ўқувчилар номи, қайси китоблар сотилганлиги, ким сотганлиги ҳақида батафсил маълумот бор. Гапирган болаларни топиб, уларнинг ота-оналарини «рози қилиш» учун овора бўлмасдан, барча пуллар ўқувчилар ота-оналарига узр сўраб қайтарилиши керак. «Ёпти-ёпти» билан нафақат маорифда, ҳеч бир соҳада силжиш бўлмайди. «Дардни яширсанг, иситмаси ошкор қилади», деган нақлда катта ҳикмат бор.

ДЕПУТАТЛАР НЕГА ХАФА?

Қўлимизда яна икки ҳужжат бор. Бирини вилоят халқ таълими бошқармасидан, яна бирини ўз тилидан ёзиб олдик. Уларнинг иккиси ҳам Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

Депутат Эргаш Отамуродов вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғига Ургут туман «Оққўрғон» жамоа хўжалигидаги Қузибек қишлоғида ёниб кетган 119-мактабнинг қайта қурилиши тақдири ҳақида ёзади. 1990 йилдаги ёнғинда мактабнинг 14 та синф хонаси бутунлай ёниб кетган, 1995 йил сентябргача қишлоқ аҳолиси ҳашар йўли билан 6 та синф хонасини ишга туширишган. Яқинда Қузибек қишлоғи «Ҳамза» жамоа хўжалиги ихтиёрига ўтгач, яна учта хона битказилибди. Депутатнинг бу хати туман халқ таълими бўлимига қайта жўнатилган ва туман ХТБ унга жавоб қайтарган.

Биз Тожикистон чегарасидаги бу гўшага бориб, мактабнинг аҳволини кўрдик. Соат 12 лар чамаси, мактабда бирорта ўқувчи йўқ. Мактаб директори Жўрақул Рустамов хоналар совуқлиги сабаб 4-соатдан сўнг болаларга жавоб берганлигини айтди. Депутатнинг хатида ўқиш 3 сменада олиб борилиши айтилган, туман халқ таълими бўлимининг жавобида эса дарслар 2 сменада ўтилаётгани таъкидланган. Лекин 3-сменада 1 та синф ўқишини директор инкор қилмади. Чунки у бир иссиқ хона учун жажжи синфларни 3 сменага бўлибди, чоғи. Нима бўлса-да, у болалар соғлигини ўйлаган дейишимиз мумкин. Ургут тоғи бағридаги бу қаҳратон қиш кунларида мавжуд хоналарни иситиш нега йўлга қўйилмаган? Депутат Э. Отамуродовнинг мактубига кўра 16, 101, 119-мактаблар учун янги қурилаётган жами 1204 ўринли бинолар, шунингдек, янги типда қурилган спорт залини етарли жиҳозлар билан таъминлаш туман халқ таълими бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Ургутнинг Қашқадарё вилояти билан туташ Навоий номли халқ корпорациясига борганимизда кеч тушиб қолди. Бу ҳўжаликнинг раиси Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, халқ таълими аълочиси Абдузоҳир Зиёевни вилоятда ҳам, республикада ҳам ташкилотчи раҳбар ва маориф жонкуяри сифатида яхши билишади. Бу инсон 4-5 йилдан буён ярим маошини ҳўжаликдаги 3 та мактабнинг энг яхши 4 нафар ўқувчисига стипендия тариқасида бериб келаётган экан. Бунинг учун 11 нафар обрўли, билимли ўқитувчидан иборат комиссия тузилган, улар ҳар чорак якунида синов орқали аълочи ўқувчиларни аниқлашган. Қоғоз тўлдирилган, рўйхатлар тузилган. Бу қоғозбозлик эмас, унинг замирида миллат равнақи учун хизмат, куюнчаклик ётади. Мактаблар янги типда қурилган, стадионлари катта-катта, шароит бор. Нима етишмайди? Депутат нимадан норози?

— Маорифдан кўнглим қолди, — дейди у афсус билан, — қўлимдан келганча ёрдам беряпману, лекин... Илгари ҳар бригадир аъзосини ота-оналар мажлисига қатнашишга мажбур қилардим, ўзим ҳам бу йиғинларнинг ҳар бирига борардим. Давоматни кузатардим. Эс-хаёлим мактаб эди. Ахир, ўйлаб кўринг, картошкадан бу йил кам ҳосил олган бўлсам, келаси йил бошқа уруғ олиб келиб, экиб кўпроқ ҳосил оламан. Лекин болани 10-синфдан қайта 1-синфга ўқитиб бўлмайди-ку. Биз инсонмиз, ахир. Ҳар бир нарсанинг вақти булади. Бизларнинг давримиз ўтяпти, ҳаммаси ҳозирги ўқувчиларга қолади. Улар биздан яхшироқ бўлиши керак эмасми? Тўғри, ўқитувчига туман халқ таълими маош беради. Аммо шу пайтгача бир оғиз маслаҳат қилмасдан икки мактаб директорини ўзгартириб, икки ота-ўгилни қўйиб кетишди. Олти ой ўтмасдан ишлар оқсагани кўринди. Бригадирларимнинг ҳам кўнгли совиди. Туман халқ таълими бўлими мудири бирор марта келиб мактабни кўрганини эслай олмайман.

Абдузоҳир ака қуюниб узоқ гапирди, биз тасмага ёзавердик. Бироқ магнит лентасидаги барча гапларини қоғозга тушира олмадик. Маорифга куйинадиган бундай раҳбарларнинг ўзи оз. Бундай хўжаликларнинг маориф тизимида ўзгариш ясаш, дейлик, мактаб директорини ўзгартириш учун раҳбар билан ҳам маслаҳатлашилса яхши буларди. Ахир, шаҳарга бориб, университет домлалари билан келишиб, хўжалигида инглиз тили курси очиб, болаларини ўқитаётган ёки тестлар бўйича болаларни ўқишга тайёрлаётган хўжалик раислари жумҳуриятимизда саноқли-ку?!

Туман халқ таълими бўлими нега бу жонбозликларни инобатга олмади? Нега бундай жонкуяр раҳбарнинг эзгу ишлари билан вилоят халқ таълими бошқармаси мактаблар бўлими жиддий қизиқмади?

Ҳурматли маориф мутасаддилари, ишончимиз комилки, мактабларга чиқиб, аҳволни ўзингиз ўрганиб, хўжалик раҳбари билан алоқада бўлсангиз, ҳамкорликда боғчалар ҳам кетма-кет ёпилавермас, ёпилиб қолганларини қайта очиш йўллари ҳам топилиб қоларди. Кадрлар бўлимидан ходим юбориб, фақат директорни алмаштирган билан иш битмайди.

ЭГИЛГАН БОШНИ ҚИЛИЧ КЕСМАС

Аслида вилоят ХТБдан олган маълумотимиз бўйича Каттақўрғон ёки Нуробод туманига ўтишни белгилагандик. Чунки уларда ҳам авария ҳолатидаги мактаблар сони 6 тадан эди. Оқдарё тумани ҳокимининг халқ депутатлари вилоят сессиясидаги нутқи йўналишимизни ўзгартирди.

Оқдарё тумани ХТБ дарвозаси ёпиқлигини кўриб ҳокимликка ўтдик. Ҳоким ҳам, унинг ўринбосари ҳам шу ерда экан. Аҳволни сурадик. Туман ҳокимининг халқ депутатлари вилоят сессиясида айтган гаплари (авария ҳолатидаги мактаб 4 та эмас 12 талиги) асосли эканлигини, жумладан туманда таълим соҳасидаги ишлар сусайиб кетганлиги учун сессиядан аввалроқ туман ХТБ мудирини вазифасидан озод этганликларини ва айни кунда ишчан янги раҳбар иш бошлаганини таъкидлашди.

Сирасини айтганда, ҳокимликнинг таълим соҳасидан бошқа муаммолари ҳам кўп. Экин экиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, корхоналар қуриш... Лекин эртани, яъни келажакни ўйлайдиган раҳбар мактабни, болаларни ҳам эсдан чиқармаслиги лозим.

Туман ҳокими ҳам яқинда Самарқанд телевидениесидаги танқидий чиқишдан бироз ранжиган. Чунки унгача ишлаганлар ўн йилдан буён қурилмаган мактаб қурилишини у эндигина бошлаганда танқидга учрабди. Тўғри, мактабнинг кеч қурилаётганида биз журналистларнинг ҳам айбимиз бор. Зеро, бу муаммо вақтида ўртага қўйилиши керак эди.

Оқдарё туман ҳокими ўринбосари Шодиқул Исматов аҳволи оғир мактабларни, жумладан ўша танқидга учраган мактабни ҳам кўрсатди, камчиликларни хаспўштламади.

Туманда сессиядаги танқидий фикрлардан сўнг ҳокимликнинг тадбирлари ишлаб чиқилибди. 1996 ўқув йилида чала ётган бир неча мактаблар қаторида 35-мактаб учун қурилаётган бинони ишга тушириш ҳам мўлжалланган. Биз шу куни учта мактабни (бири янги қуриляпти) бориб кўрдик. Уларнинг бири пиллахонада, бири авария ҳолатида бўлиб, уч сменада бўлса-да машғулотлар олиб бориляпти. Мактабнинг ярми пиллахонада бўлгани билан унинг янги қурилаётган биноси ёнида асосий иморати ҳам мавжуд. Унда дарслар давом этяпти. Лекин унинг ҳовлиси, стадионига назар ташлаган киши бу ерда ҳеч ким ўқимаётган бўлса керак, деган хулосага келади.

Маълумки, мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» ҳукумат дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бунда болаларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлишлари учун ғамхўрлик қилиш назарда тутилган.

Шу кунларда футболни ривожлантириш бўйича Президент Фармони ҳам чиқди. Тўғри, катта қурилиш ҳокимлик, хўжалик ёрдамисиз бўлмайди, бироқ стадионни тартибга солишда мактаб жамоасининг ўз кучи бемалол етади. Эътибор берилса, озгина ҳаракат қилинса, америкалик энг узун баскетболчининг ҳам бўйи етмайдиган баскетбол халқаси ўзгартирилган, стадион атрофи эгирилган, қийшиқ ёғочдан қурилган дарвоза янгиланган бўларди.

Авария ҳолатидаги 30-ўрта мактабга борганимизда яна бир мунозарали муаммо кўзга ташланди. Бу ҳол бошқа вилоятларда ҳам мавжуд бўлса ажаб эмас.Синф хоналарининг совуқлигидан барча нолийди. Бунда биров айбни Голланд печкасига қўйса, биров кумирнинг озлигини рўкач қилади, яъни ҳар куни печкага қанча кумир ёқиш (8-12 кг) белгиланган. Шунча кумир қиш кунларида синфхоналарини иситиш учун етарлими-йўқми, бу жиддий ўйлаб кўрилмаган. Ҳарҳолда, мақсад печкага кумир солиш режасини бажариш эмас!? Мақсад хоналарни иситиб, болаларни соғлом сақлаш экан, ҳар йили шунга яраша кумир ёқилиши керак. Бунинг учун ё печкани ўзгартириш, ёки кумирни кўпайтириш лозим булади.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Ушбу мақоладан муддао қилдан қийиқ излаб, кимларнингдир кўнглига озор етказиш эмас, балки халқ таълими тизими тартиб-интизом ва фидойилик билан ишлашни талаб қилишини яна бир бор таъкидлаш эди. Мустақил мамлакатимиз маорифини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган педагогларимиз кўп. Чунончи, ўтган йили Халқ таълими ходимлари куни муносабати билан тақдирланганлар орасида Самарқанд вилоятидан ҳам бир гуруҳ таълим ходимлари борлиги қувонтиради. Асосий гап вилоят халқ таълими бошқармаси, айниқса, туман халқ таълими бўлими раҳбарларининг идорада ўралашиб қолмай, мактаб ҳаёти ичида бўлиб, жамоаларнинг дардини эшитиб, муаммони вақтида ҳал этиш, яхши томонини эса кенг ёйиб, тарғиб қилишлари хусусидадир. Илғор мактаблар, тажрибали, фидойи муаллимлардан ўрганиб ишласак, ҳар бир ўқувчини ўз фарзандимиздек, унинг келажагида давлатимиз ривожини кўриб тарбияласак, маорифимизнинг эртанги куни янада ёруғ бўлажак!

Ҳалим САЙИД,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Дарсларни кузатганда

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Мактабда таълим-тарбиянинг намунали йўлга қўйилиши кўп жиҳатдан раҳбарнинг ташкилотчилигига боғлиқ. Буни Ҳамза туманида Донохон Эрматова раҳбарлик қилаётган 230-мактаб мисолида яққол кўриш мумкин. Бу таълим маскани туманда намунали ҳисобланади. Ҳудди шу боис бу ерда туман миқёсидаги қўплаб тадбирлар утказиб турилади. Утган ҳафтада ҳам илм масканида туман ўқитувчиларининг семинар машғулоти бўлиб утди.

—Она тили ва адабиёт ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларининг туман семинар машғулотини утказиш учун нега, айнан, шу мактаб танланган, бунга сабаб нима?

Бу саволимизга туман она тили ва адабиёт фани услубчиси Раънохон Назарова шундай жавоб берди:

— Машғулотларнинг қизиқарли ва мазмунли утиши хоналарнинг эстетик дид билан жиҳозланишига боғлиқ. Бу мактабда, айниқса, она тили ва адабиёт хоналарида урганишга арзигудек ишлар мавжуд. Иккинчидан, синфдан ташқари машғулотларни утказиш яхши йўлга қўйилган... Семинаримиздан мақсад илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини урганиб, оммалаштиришдан иборат.

Семинар қатнашчилари машғулотлардан олдин гуруҳларга бўлиниб синф хоналарининг жиҳозланиши, синф бурчаклари ва деворий газеталарнинг безатилиши билан танишиб чиқдилар.

— Менда, - деди Республикада хизмат курсатган ўқитувчи, 216-мактаб тил ва адабиёт фани муаллимаси Дилором Зокирова. — Зулфия Ҳожиева, Зулфия Маҳкамоваларнинг фан хоналарининг жиҳозланиши катта таассурот қолдирди. Кабинетлардаги, айниқса, ўзбек алломалари А.Навоий, А.Қодирий, Форобий, Беруний ва Нодира, Маҳзуналарнинг қулда чизилган рангли расмлари ва жойлаштирилиши, уларга танланган шеърий лавҳалар диққатга сазовор. Яна бир нарса. Ташқарида қору синфда баҳор ҳавоси уфуриб турибди. Бир-биридан чиройли, товусдек товланиб турган гуллар киши баҳри-дилини очади.

— Кечирасиз, ўқитувчининг меҳнати ҳақида сизнинг фикрингиз қандай? — савол бердим мен Зулфия Ҳожиевага.

— Назаримда, бу машаққатли, энг машаққатли меҳнатлардан биридир. Дарс бериш, ўқитдим, ўргатдим деган сўз эмас. Ўқувчилар қалбига йўл топишни урганиш, уларни эзгу орзуларга ҳамоҳанг ижод қилиш, уларга нотаниш, лекин қунгилларига яқин бўлган нарсаларни айта билиш мураккаб, ниҳоятда мушкул ишдир, — деди у.

— Фан хонасини жиҳозлашга қандай вақт топасиз. Барча ишларни бажаришга қачон ва қандай улгурасиз?

— Вақтдан ютишга ҳаракат қиламан. Назаримда, нафосатга яқин бўлган ҳар бир одам шундай бой ва мазмундор ҳаёт кечиради, ўғил-қизларни нафосат ва гузаллик орқали гузал фазилатли ва чин инсоний қалб эгаси этиб тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қуяди. Бу йўлга у бутун куч-ғайратини сарфлайди.

Улуғбек номли 230-мактабда булиб утган амалий семинар қатнашчилари бошланғич синф ўқитувчилари Қумри Собирова, Юлдуз Болтабоева, Зарофат Исмоиловаларнинг, шунингдек, тил-адабиёт ўқитувчиларидан Фотима Жалолова, Зулфия Ҳожиева ва Зулфия Маҳкамова, Отахон Шароповларнинг дарслари ва синфдан ташқари тарбиявий соатларини кузатишиб, уз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

— Ҳар бир иш таҳсинга лойиқ, — деди семинар қатанашчиси, шоира Муҳтарама Улуғова. — Айниқса, менда Зулфия Маҳкамова, Зулфия Ҳожиева, Муҳаббат Жалоловаларнинг «Юлдузли онлар», «Яхшилик ва ёмонлик», «Шоҳ Машраб» мавзуларида ўтказилган тарбиявий соатлари катта таассурот қолдирди. Менинг мактабдаги иқтидорли болаларга ҳавасим келди...

Қидирбой ТЎЛЕБОЕВ.

ХОНДАМИР

«ҲАБИБУС-СИЯР»

ЕРНИНГ РУБЪИ МАСКУНИ[1]ДА, БУҚАЛАМУН ДУНЁДА СОДИР БЎЛГАН АЖОЙИБ ВОҚЕАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСВИРЛАРИ

ҲИНДУСТОН—жуда катта узунлик ва кенгликка эга бўлган мамлакат. Унинг айрим ўлкалари хатти устуво ҳудудига тааллуқли бўлса, кўп қисми биринчи, иккинчи, учинчи ва бир оз қисми тўртинчи иқлим ҳудудида. Аҳолининг аксарияти бутга сиғинувчи, ҳақиқий маъбудага сиғинишдан бош тортишади. Ҳиндда ташқи қиёфаси ажиб ҳайвонлар, қимматли жавоҳирлар кўп топилади. Шу қатори табобатга оид шу қадар ўсимлик ва мевалар борки, бирон ўлкада улар унчалик топилмайди. Ҳиднинг катта шаҳарлардан бири Деҳлидир.

«Ажоибул-булдон»да ёзилишича, Ҳиндустонда бир хил дарахт бўлиб, меваси ширин, каптар, мусичага ўхшаш қушлар бу дарахтга ўтириб, унинг мевасидан тановул қиладилар ва маст бўлиб пастга қулайдилар. Илонлар пойлаб, тарахт тагига тушган қушларни ейдилар, тепадагилари эмин қоладилар.

Ҳиндустон ғароибларидан яна бири, унда бир шаҳар бўлиб, унга кирган мусофир эркак жинсий алоқа қилиш қобилиятини йўқотар, шаҳардан чиқиб кетиши билан яна ўз ҳолига қайтар экан. «Ажоибул-булдон»да ёзилишича, бу мамлакатнинг яна бир жойида қум олтин билан аралашган ҳолда мавжуд бўлиб, бу ҳудудда каттагиги йирик итларга тенг чумолилар мавжуд. Бу ернинг ҳарорати ниҳоят иссиқ. Шунинг учун бу йирик чумолилар қуёш тик турган пайтда ўзларининг ер ости кавакларига кириб жон сақлайдилар. Бу ҳолни билган савдогарлар ўта тезюрар отларга миниб олтин аралаш қум ўлкасига борадилар ва ҳар ким вақт ва қуввати етгунга қадар у қумлардан қопга солиб яна шошилинч орқага қайтадилар, агар мабодо очкўзлик билан қолиб кетишса, даҳшатли чумолилар домига тушиб ҳалок бўлишлари муқаррар.

Ҳиндустоннинг яна бир ажойиботларидан бири ҳайратланарли ўсимликнинг баргидир. Бу барг норанж баргига ўхшаш бўлиб, Ғарб ўлкалари ва Ҳурмуз мамлакатида анча машҳур. Уни истеъмол қилиш қуйидагича. Бир миқдор (фавфал ҳам дерлар), чўпини синдириб оғизга соладилар, кейин танбул баргининг устига тариқчалик оҳакни ҳўллаб, барг юзига суркаб, ўраб оғизга соладилар. Шу ҳол тўртта баргни чайнагунча давом этади. Гоҳида унга бир оз кофур[1] ҳам қўшиб турадилар. Танбул барги оғиз сувини ўта қизил рангга айлантиради, киши юзини қизартиради ва анчагина шароб ичган кишидек маст ҳолатига келтиради. Шу қатори, бу тадбир очликни йўқотади, қорни тўқни овқат ейишга ундайди, оғиздаги ёқимсиз ҳидни йўқотади, тиш милкларини мустаҳкамлайди ва шаҳват даражасини кўтаришда ҳеч бир гиёҳ ва даво унга бас кела олмас. Бу байтлар мазкур баргнинг юқоридаги хусусиятларининг ҳақлигига далилдир. (Танбул барги хусусияти ҳақида 30 мисрадан ошиқ шеърий парча келтирилган. Биз уни таржимада беришни лозим кўрмадик).

Яна бир манбада ёзилишича, Ҳиндустоннинг айрим ҳудудларида бутхоналар бўлиб, тоғ этакларидан бутхона сахнигача занжир осилтириб қўйишган. Бутга сиғинувчилар ўзларининг байрам кунларида бу бутхоналарини безайдилар, атрофдан кўп одамлар тўпланиб шароб ичадилар ва бир чаққон, серҳаракат киши ўртага ҳозир бўлиб, бутга сиғинувчилар билан бирга шароб ичади ва маст бўлиши билан, бир соат чамасида рақсга тушиб, бутга сажда қилади. Кейин занжирни ушлаб тоғ чўққисига ўрмалаб чиқа бошлайди. Юқорига чиққач, қарсак чалади ва ўзи билан олиб чиққан учта тошнинг бирини Яман, иккинчисини Ясор ва учинчисини ўзининг орқа томонига отади ва баланд товуш билан бир нима дейди, барча уни эшитадилар. Кейин у пастга тушиб ўликсимон ҳолда ўзини ўртага ташлайди. Халойиқ уни иззат-икром билан кўтариб Санамбут олдига олиб борадилар ва ундан, келаётган йилда содир бўладиган уруш, тинчлик ва бошқа воқеалар ҳақида савол бериб сўрайдилар, у барчасига аниқ қилиб жавоб беради ва кейингина ўзига келади ва туриб ўз манзили томон кетади. Келаси йил шу вақтга қадар уни ҳеч ким кўрмайди.

БОРОМ — Ҳинд кишвари таркибидаги жой. У ерда ёнбошлаб ётган бутнинг ҳайкали мавжуд. Айрим вақтда тикка туриб ҳаракатсиз ҳолда бўлади ва товуш чиқаришингиз билан кўзга кўринади. Бу ҳол содир бўлганда арзончилик ва маъмурлик бўлади. Бошқа йилда бут томонидан бу ҳаракат содир этилмаса, у йили шаҳарда қаҳатчилик ва очарчилик юз беради.

САРЕРА — Ҳинд мамлакати қишлоқларидан бирида минора бўлиб, халқнинг тўпланадиган жойига айланган. Миноранинг тепасида қимматбаҳо хазинани бекитганлар ва унинг олдида алоҳида жой ҳозирлаб тилладан ясалган хўрозни ўтқазганлар. Ҳар ким минора тепасига чиқишга қасд қилиб, кўтарилса, хўроз қаттиқ қанот қоқиб итга ўхшаб вовиллайди ва унинг товушидан шаҳарнинг аҳолиси уйғониб, гуноҳкорни тутиш ва таъқиб этишга киришадилар.

КАЛБО — Ҳинд тасарруфидаги шаҳар. «Тўҳфатул-ғаройиб» асарининг муаллифи зикр этганларидан ташқари у шаҳарда мисдан ясалган қувур бўлиб, унинг остида товуснинг шаклини ясаганлар. Минора олдида булоқ бўлиб, ҳар соҳилларида бирин-кетин кириб чиқадилар, бозорларга олиб борадилар. Кўпинча мол эгалари банд бўлганликлари туфайли бир неча кун моллари олдига келолмайдилар ва девон аҳли у молларни эҳтиётлаб туради, ва агар молларини сотсалар, 41 ҳал закот берадилар. Сотмасалар, ҳеч қандай товон ва бож бермайдилар. Ҳинд бандарларининг яна бир тартиби, мабодо кемалар савдогар ва ҳаммолларсиз қирғоққа шамол ёрдамида келиб қолсалар, уни «бодовард» — «шамол етказди», деб талаб, ғорат қиладилар. Бироқ Калкуттада шамол келтирган кема молидан ҳам 41 хил закот тартиби асосида мол оладилар. Бу шаҳарнинг аксар халқи қарийб ялангоч ҳолда юради. Улар — лангутлар — нофларидан тиззаларигача турли матоларни боғлаб юрадилар. Бир қўлларида кичкина шамшир, бошқа қўлларида эса катта бошли ҳасса. Калкутталиклар ўз подшоҳларини «самрай» дейдилар. Агар Самрай вафот этса, унинг опасининг ўғли (хоҳарзодаси)ни ўрнига тайинлайдилар. Самрайнинг ўғил, қиз, акаболари мероҳўрликка эътиборга эга эмаслар. Ҳеч ким жаҳл ва ёмон ният билан у шаҳарни босиб ололмайди. Калкуттадан истаган буюмни топиш мумкин, айрим ишлар айб ҳам ҳисобланмайди. Фақат сигирни сўйиш ва гўштини истеъмол қилиш ман этилган. Агар мабодо бирон кишининг сигирни сўйиб еганини эшитсалар, уни ўша заҳоти ўлдирадилар. У бемаъни кофирлар, сигирни шунчалик муқаддас биладиларки, тезагини кулга айлантириб, баданларига суртадилар.

Мавлоно Абдураззоқ, Саид Мирзо Шоҳруҳ даврида ҳоқонлик рутбасида бўлганида, Ҳинд тамонига расмий юборилган эдики, ёзади: «Калкутта аҳли агарчи христиан ва бутпараст бўлсалар ҳам бир-бирлари билан борди-келди қиладилар. Бироқ ҳар қавмнинг ўз урф-одатлари бор. Масалан, бир қавмда, бир аёлнинг бир неча эри борлиги расмга айланган. Кийим, озиқ-овқат, хушбўйлик таратувчи воситалар, таомларни кечалик ва кундузлик қилиб ажратганлар. Агар аёлнинг эрларидан бири унинг уйига кирса, дарвоза олдида ўзига хос белгисини илиб қўяди, шунда бошқа эри шу фурсатда бу ерга келса, белгини кўриб, қайтиб кетаверади.

ҚАЗВИН— Ироқ ва Ажам ҳудудлари орасидаги шаҳар. «Ажоибул-булдон» ва «Тарихи гузида» асарлари муаллифларининг ёзишларича, бу шаҳар ҳақида турли, ишонарсиз маълумотлар келтирилган, бироқ, буларга фазилат эгаси бўлган ҳадисшунослар ишонмадилар. Қазвинда мевали боғлар, чиройли маҳаллар кўп, халқи мурувватли ва инсоний хислатларга эга. Қазвиннинг ташқарисида Яҳудиннг мақбараси бор. Касалликка чалинган кишини мақбаранинг чап ва ўнг томонларига юргизсалар, шифо топади.

ҚУМ — Сова ва Исфаҳан оралиғидаги катта шаҳар. Ўша қадимги даврда Қум аҳли тилсим яратганлар. Унинг натижасида илон ва чаён у ерлик халққа зиён етказмаган. Унинг бир тоғида илон, чаён, чумчуқсимон қушлар шу даражада кўпки, мисли бошқа ўлкаларда кўринмас. «Ажоибот-ул-булдон»да ёзишича, Қумда юз (ов итлари) кўпдир.

Давоми бор.

[1] **кофур — оқ рангли ёқимли ҳидли модда, камфора.**

Боши газетамизнинг учинчи сонида

Бири кам дунё

САХИЙ КАМЗУЛ

Литванинг Укмарг шаҳри фуқаросига омад кулиб боқди: у эски кийимлар билан савдо қилувчи дўконга кириб, қаердандир келтирилган эски камзул харид қилди. Уйга қайтгач, камзулни кийиб кўраётиб, астар-авра орасида нимадир борлигини беихтиёр пайқаб қолди. Камзулни қирқиб, ичини текшириб кўриш жараёнида эса... оз эмас, кўп эмас — минг АҚШ долларини топиб олди.

Бу — чет эллардаги эски кийимлардан топилган энг йирик суммадир. Чунки, илгари топилганлари ҳам юз доллардан ошмаган.

ҲУШЁР КАЛЛАГА ДИПЛОМ

Қозонлик электр пайвандчи Николай Каплевга «зангори илон»га қарши олиб борган кўп йиллик кураши эвазига Халқаро Ҳушёрлар жамияти таъсис этган кутилмаган ҳужжат — Ҳушёрлик Дипломи тантанали вазиятда топширилди.

Ҳақиқатан, у ҳам бу соҳада 15 йиллик стажга эга бўлиб, рекордчи номига муносиб эди.

Пайвандчиларнинг энг ҳушёр ҳамкасби — Н. Каплевга «Сигаретсиз ҳаёт» дипломи берилса ёмон бўлмасди. Чунки 15 йилдан бери кашандаликдан воз кечган. Афсуски, бундай тортиқ ҳали кашф қилинмабди.

МУШУКЛАР ГРИППНИ ДАВОЛАШДИ...

Нежегородлик Светланага кутилмаганда, саралаб парвариш қилинган 6 нафар мушуклари — турт оёқли дустлари ёрдам беришди.

Грипп уни тамоман тушакка михлаб қўйгач, олтовлон келиб, хўжайиннинг қаршилигига ҳам қарамасдан уни чор тарафдан бекитиб олишди. Бу «тирик тушаклар» эрталабгача — то грипп тарқалиб, аёлнинг иссиғи тушмагунча «пост»ни тарк этишмади.

Буни қарангки, воқеадан кейин бирорта ҳам мушук грипп билан оғримабди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Амру орифу

ФАЗИЛАТЛИ РАМАЗОН

Қуръони Каримнинг «Бақара» сурасида шундай бир илоҳий амр бор: «Ё айюҳаллазина оману! Кутиба алайку муссиёму камо кутиба аълаллазина мин қобликум ла аъмакум таттақун». Яъни: «Эй, имон соҳиблари (муъминлар)! Тақволи (ёмонликлардан сақланган) бўлишингиз учун сизлардан аввалгиларга фарз қилингани каби сизларга ҳам руза тутиш фарз қилинди». (183-оят). Бу оятни мақола муқаддимаси этиб ёзарканман, беихтиёр яқин ўтмиш ёдимга келади. Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар Қуръони Каримни уз она тилимизда ўқиш у ёқда турсин, у ҳақда далиллар келтириб сўзлаш ҳам хатарли эди, сўзласангиз бошингиз балога қолар, «совет тузумига қарши тарғиботчи» бўлиб қолардингиз. Аммо уни қоралаш бобида сизга катта эркинлик берилганди: билар-билмас, оғзингизга келганини қайтармай, тахминан сўзлайверишингиз мумкин эди. Чунончи, руза ҳақида зоҳиран илмий бўлиб кўринувчи шундай фикр ҳам кенг тарқалган эди: руза — жўғрофий жиҳатдан камбағал, табиий бойликлари оз, сувсиз, тупроқлари камҳосил, яшаш оғир бўлган юртларда, яъни етишмовчилик ҳукм сурган жойларда озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни тежаш учун ўйлаб топилган тадбирдан бошқа нарса эмас. Дунёнинг энг бой мамлакати Америка Қушма Штатларида эса, Брегг сингари олимлар неча-неча ун йиллар буйи ўтказган тажрибаларига асосланиб, «Очлик муъжиза» эканлигини эътироф этган (Брегтнинг «Чудо-голодание» деган китоби рус тилида бир неча марта нашр этилган). Биз бехабар эканмиз...

Ариқлар, зовурлар ва каналларда (арналарда) йил буйи турли балчиқлар, чиқитлар йиғилиб қолганидай инсон бўғзида, ошқозони ва ичакларида ҳам турли-туман хилтлар тўпланиб қолиб, жисмимизнинг яхши ишлашига халақит беради ва бу — ҳар хил касалликларни келтириб чиқаради. Руза тутилганда эса, «ички юк» озаяди, жисмимизнинг ишлаши осон кучади. Биз йилда бир марта ариқ тозалаганимиз каби, жисмимиз ҳам ўз «ариқлари»ни тозалаб олади: микрофлоралар ёрдамида хилтларни «ювиб ташлаб» ёки «ҳазм қилиб юборади». Яъни жисмоният покланади, янгиланади ва тетиклашади. Қуръони Каримда эса бу фикр икки сўзга жо этилган: «лаъаллакум таттаҳум» («тақволи бўлишингиз» учун). «Тақволи бўлиш», яъни «ёмонликлардан сақланган бўлиш»нинг маъноси эса бениҳоя кенг...

«Тақволи бўлиш» деган ибора турли бадҳазм таомлардан тийилиш, парҳез қилишдан тортиб, ҳалол меҳнат ва қийинчилик билан топилган оз луқмага қаноат қилиш, покиза овқатларни тановул қилишгача ва яна гуноҳ ишлардан, ноқонуний (ғайришаръий, ғайриахлоқий) амаллардан қочишгача, яна тагин жисмни пок тутиш, Оллоҳга ибодат қилиш, яъни яхши бўлишни уйлаш, боодоб бўлишга интилиш, бировнинг ҳақини емаслик, ёмон сўзлар билан дилларни оғритмасликкача бўлган бир талай ижобий хислатларни ўз ичига олади.

Тақводор бўлишнинг муқаддас йўлларидан бири эса руза тутмоқдир. Руза инсоннинг соғломлигига, гуноҳлардан сақланишига катта ҳисса қўшади.

Пайғамбар хожамиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳадисларида «Ассиёму жуннатун» яъни «Руза қалқондир» дейдилар. Қалқон, ўз соҳибини душман ҳамласидан сақлаганидай, руза ҳам рузадорни нафс хуружидан ҳимоя қилади, шу тариқа уни гуноҳдан тияди.

Рузадор одам, руза тутиш билан узини муқаддас йўлдан кетаётганини ҳис қилади ва ҳаром-ҳаришдан, майхўрликдан, ифлосликдан қочади; илгари шундай гуноҳларга йўл қуйганини эслаб, тавба-тазарру қилади, Ҳақ Таолодан афв сурайди.

Яна Пайғамбар Хожамиз «Ассиёму нисфус собр», яъни «Руза — сабрнинг ярмисидир» дейдилар. Бунинг маъноси шулки, руза тутган одам узида сабр-матонат туйғусини тарбиялайди. Оч қолиб, кўз унгидаги егуликдан узини тийиш билан иродасини мустаҳкамлайди.

Инсон ўз ҳаётида озми-кўпми турли оғир-енгил, етишмовчилик паллаларини кўради. Руза тутмаган, ҳамма вақт тўқ яшаган кишилар бундай пайтларда бесабрлик қилиб, олис келажакни уйламай, бўлмағур исёнкорликларга борадилар. Рузадорлар эса бундай вақтларда ҳеч қачон енгилтаклик қилмайдилар. «Озини берган Оллоҳ кўпини ҳам беражагига» инониб, хотиржамликда, ҳалол меҳнат билан кун кечираверадилар.

Мен рузанинг баъзи бир фазилатлари тўғрисида бир озгина мулоҳаза юритдим, холос. Рузанинг оғиз очиш чоғидаги инсонга бахш этувчи қувончлари, ноз-неъматларни қадрлашни ўргатиши, тунги саҳарлик чоғидаги сурурбахш соатлари, ифтор пайти дастурхон атрофида ҳукм сурувчи бир покиза илоҳий кайфияти, кунгилнинг туб-тубларигача ҳис қилинаётган поклик туйғулари, сизнинг рузадорлигингизни сезган одамларнинг куча-куйда, ишхонада, бозор-учарда сизга кўрсатаётган эҳтиромли назарлари, кунгилсиз воқеалар юз берганда узингизни оғир сўзлардан тийишларингиз ва бундай ишларга сиз аралашгудай бўлсангиз, масаланинг қандай лутфкорона ҳал булиши, айни чоғда ер юзида бу ҳаёт қуйнида инсон қандай зотлигининг ҳис қилиниши ва ҳоказо ва ҳоказолар тўғрисида қандай ажойиб ва нозик нарсаларни айтиш ёки ёзиш мумкин. Назаримда, муҳтарам ўқитувчиларимиз тарбия ва миллий мафкурамизни йўлга қўйишда рамазон ойи ва руза тутишнинг аҳамияти мавзуидан ҳам фойдаланишлари асло зиён келтирмайди.

Миразиз АЪЗАМ, болалар ёзувчиси.

РАМАЗОН ТАҚВИМИ

Рамазон кунлари	ЯНВАРЬ ФЕВРАЛЬ	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифтор вақти	Рамазон	ФЕВРАЛЬ	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифтор вақти
1.	21	ЯКШАНБА	6.03	17.24	16	5	ДУШАНБА	5.51	17.42
2.	22	ДУШАНБА	6.03	17.25	17	6	СЕШАНБА	5.50	17.43
3.	23	СЕШАНБА	6.02	17.26	18	7	ЧОРШАНБА	5.48	17.45
4.	24	ЧОРШАНБА	6.01	17.27	19	8	ПАЙШАНБА	5.47	17.47
5.	25	ПАЙШАНБА	6.01	17.29	20	9	ЖУМА	5.46	17.48
6.	26	ЖУМА	6.00	17.31	21	10	ШАНБА	5.45	17.49
7.	27	ШАНБА	5.59	17.32	22	11	ЯКШАНБА	5.44	17.51
8.	28	ЯКШАНБА	5.58	17.33	23	12	ДУШАНБА	5.42	17.52
9.	29	ДУШАНБА	5.58	17.34	24	13	СЕШАНБА	5.41	17.53
10.	30	СЕШАНБА	5.57	17.35	25	14	ЧОРШАНБА	5.40	17.54
11.	31	ЧОРШАНБА	5.56	17.36	26	15	ПАЙШАНБА	5.38	17.56
12.	1	ПАЙШАНБА	5.55	17.37	27	16	ЖУМА	5.37	17.57
13.	2	ЖУМА	5.54	17.38	28	17	ШАНБА	5.36	17.57
14.	3	ШАНБА	5.53	17.40	29	18	ЯКШАНБА	5.34	17.58
15.	4	ЯКШАНБА	5.52	17.41	30	19	ДУШАНБА	5.33	17.59

САҲНАДАГИ МАКТАБ

Тошкентдаги Аброр Ҳидоятов номли театрга пойтахтимизнинг турли туманларидан ўқувчилар ва ўқитувчилар ташриф буюришди. (Ростини айтганда, театр залларининг бунчалик гавжумлиги сўнгги пайтларда ноёб ҳодисага айланиб қолган эди). Саҳнада эса, Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг «Ёш актёрлар» тўгараги аъзолари ролларни ижро этишди — бугунги мактаб ҳаётида пайдо бўлаётган жиддий нуқсонларни фош қилишди. Муҳими, саҳнадаги мактаб томошабинларнинг бутун диққат-эътиборини ўзига жалб қила олди.

Дарвоқе, 274-мактабда синфхоналар етишмас экан. Шунга қарамай, синфдан ташқари тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилибди. Тасанно!

Мухбиримиз.



Тўптепар БИРОДАРлар

Республика мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсида 1996 йил 1-29 февраль кунлари навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида ишлай бошлайди

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

1. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари;

мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари:

1.02—29.02.1996 йил.

II. ВУМОИ лари гуруҳ лекторлари;

мактабгача тарбия муассасаларининг мусиқа раҳбарлари:

Қисқа муддатли курс — 1.02 — 18.02.1996 йил.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида боласи билан келадиган тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санатарий-профилакторийга 1-3 февралгача қабул қилинадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси.
Телефонлар: 46-98-04, 46-90-94.

БУХОРОНИ КИМ КЎП СЕВАДИ

Муслимий оламининг беш шариф шаҳарларидан бири — Бухоронинг 2500 йиллик туйи арафасида Бухоро давлат университети жамоаси ҳам анча тараддуд билан юришибди. Хусусан, яқинда университет талабалари орасида «Жаҳоним, жоним Бухором» мавзуида кенг қамровли ижодий-нафис иншолар кўрик-танлови ўтказилиши режалаштирилди. Унда университетнинг ўқув марказлари ва факултетларининг истаган талабалари иштирок этишлари мумкин. Эркин мушоҳадали, фикрий теран иншолар университет газетасида чоп этилади. Ғолиблар мукофотлар билан тақдирланадилар.

Қани, талабалар орасида Бухорони ким кўп севаркан?

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир ўринбосари
Маҳкам РАҲМОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар булими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Луқмон Буриев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-022. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6